

(Давоми. Боши 1-бетда).

бор, аммо уларнинг ҳаракати ноқонуний йўллар билан амалга оширилмоқда. Негаки, ваколатли органлар томонидан қонунийликда белгиланган тартибда назорат ўрнатилмаган.

Ҳозирда лицензия асосида фаолият юритаётган 1100 та энгил ав-

матига талаб ва ишончи ортади. Шу билан бирга, соҳада янги иш ўринлари яратилган, ишловчилар эса, ўз даромад манбаларини сезиларли даражада ошириб, транспорт воситалари паркинни янгилашга эришардилар. Оқибатда маҳаллий солиқлар муаммолар ечими топилган бўлар эди. Назорат-таҳлил давомида яна

да, кўп ҳолларда, автотранспортларни қисқа муддатли сақлаш ва тўхташ жойларида тўлов қорозлари (квитанциялар) умуман берилмаган. Берилгани эса, касса апаратида ўтказилмаган ёки белгиланган тартибда муҳрланмаган. Шу билан бирга, уларнинг ким томонидан берилгани аниқ кўрсатилмаган ва ҳатто, унинг ягона шакли ҳам мавжуд эмас. Ҳар қайси юридик шахс ихтиёрий

га қарамай, бу ишлар умуман ташриқ қилинган. Шаҳар бўйича бундай электрон ҳисоблагичлар факат Тошкент аэропорти ҳудудидаги автотўхташ жойларида ўрнатилган, ҳолос. Шуниси ажабланарлики, автотранспортларни вақтинча сақлаш жойлари шаҳар-туманлар миқёсида инвентаризациядан ўтказилганда, қўшимча 70 та жойда 5000 тага

лаштириш белгиланган. Аммо айрим қисмлар жамоат кассасидан кўра, ўз қиссаларини тўлдиргани афзал кўрмоқдалар. Бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар қандай мулкни хусусийлаштириш мумкин, аммо назоратни хусусийлаштириш мумкин эмас. Бу соҳада ҳуқуқ-тартибот органларининг шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳамжихатликда ишлаётганлиги сезилмайди.

Тошкент шаҳрида ўрганилган соҳа бўйича аниқланган камчиликлар бошқа ҳудудларда ҳам мавжуд бўлиб, айрим вилоятларда умуман ачинарлидир. Масалан, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Чорвоқ" оромгоҳига автотранспортларнинг кириши учун унинг эгаларидан 6200 сўм, Паркент тумани "Кумушқон" сиратгоҳида эса 2000 сўм нақд пул ундирилади ва ҳеч қандай квитанция берилмайди. Тегишли мутасаддилар бу ҳақдаги саволга аниқ бир жавоб қайтаролмадилар. Ушбу ҳолат эса, айтиш жоизки, нақд пул тушумига, маҳаллий солиқларнинг бюджетга тўлиқ жалб қилинишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган ҳар икки соҳа ҳам маҳаллий ҳуқуқларни тўлдирганда ва нақд пулларнинг банкдан ташқари айлангани олдиди олишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, бу юрт тараққиёти, фуқаролар фаровонлигини янада мустақамлашга хизмат қилади. Зеро, барқарорлик ва иқтисодий ўсиш тўла таъминланган юртдагина юксалиш бўлади.

Шавкат ТЕСАЕВ,
Самидил МАҲМУДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари.

ҚОНУН ИЖРОСИ ВА ФУҚАРО МАСЪУЛИЯТИ

жамият ривожланишида алоҳида аҳамиятга моликдир

томобилнинг ҳар бирдан бир кунда ўртача 5 минг сўмга яқин маблағ ваколатли кассаларга топширилмоқда, ҳолос. Таҳлилларга кўра, йўналишсиз такси сифатида фаолият кўрсатаётган автобуслар аҳолига бир кунда ўртача 35-45 минг сўмдан ва ундан ҳам кўпроқ пуллик хизмат кўрсатмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғлади: бу пулларнинг банкларга топширилмаётгани, айни вақтда ноқонуний даромадлардан солиқ тўланмаётганлиги мутасаддиларни нега ташвишга солмайди? Уларнинг бу борада кенг қамровли тартиб-назорат ишларини олиб бориш ва соҳада қонунийликни таъминлаш ўрнига томошабин бўлиб ўтиришларига нима дейсиз? Қолаверса, назоратдаги сустанлиқ транспорт автоҳалокатлари содир этилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Агар аҳолининг ушбу хизмат турига бўлган эҳтиёжи сифатли қондирилса, айтиш жоизки, уларнинг мазкур транспорт хиз-

бир муҳим масалага — автотранспортларни сақлаш мақсадида ташкил этилган вақтинча тўхташ жойларида алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай жойлар 1993 йилда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги "Автотранспортни вақтинча тўхташ жойлари фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан тартибга солиб келинмоқда. Тошкент шаҳри ҳудудида автотранспортларни сақлашни таъминловчи 60 дан ортиқ юридик шахс рўйхатга олинган бўлиб, уларга 600 минг кв. метр ер майдони ажратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 358-моддаси ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси талабларига зид равиш-

равишда квитанция шаклини ишлаб чиқиб, фойдаланаётган ҳоллар кўплаб учради. Бунинг асосий сабаби, мутасадди идоралар томонидан шаҳар бўйича ягона тартиб ишлаб чиқилмаганлиги ва ўз вақтида назорат ишлари олиб борилмаганлигидир.

Яна бир ачинарли ҳолат. Автотранспортларни қисқа муддатга сақлаш жойларида транспорт воситалари ичидagi жиҳозларга зарар етказилганда жавобгар эмаслиги квитанцияларда ёзиб қўйилган. Ҳўш, унда минг, икки минг сўм маблағ нима учун олинади?

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 26 декабрдаги қарорига асосан, автотўхташ жойларининг кириш қисмига 2009 йилнинг 1 июлига қадар замон талабларига жавоб берадиган электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиши таъминлаш ва олинадиган ижара ҳақини соатбоя қилиб белгилаш топширилганлиги-

яқин автотранспортларни сақлаш жойлари мавжудлиги маълум бўлди. Бу жойлар ақсарият юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинди, ҳеч қандай руксатсиз ва рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний фаолият кўрсатиб келинаётди. Ушбу жойларда пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқи учун қонунийликда белгиланган тартибда бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробари миқдорда солиқ тўланганда, бир йилда шаҳар маҳаллий бюджетига 200 млн. сўмга яқин маблағ жалб қилиниши мумкин бўлар эди. Бу жойлар қандай қилиб барчанинг назоратидан четда қолганига ақл бовар қилмайди.

Қайд этиш жоизки, автотранспортларга пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари бир қатор мажбурий тўловлардан озод этилган. Ва бу тўловлар ҳисобига ушбу соҳани ривожлантириш, ҳудудларни ободон-

Яхши хабар

Маҳсулот тури кўпаймоқда

ЖИЗЗАХ.

Вилоятдаги "Oil BagaKa Fayz" масъулияти чекланган жамияти шу йилнинг февралда 30 нафар киши билан иш бошлаган эди. Айни кунларда эса бу ердаги ишчи-хизматчилар сони 145 нафарга етди.

Кунига 13 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқараётган мазкур корхона маҳсулотлари Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида жуда харидорғир. Табиийки, даромад ҳам шунга яраша. Ушбу даромаднинг бир қисми ишлаб чиқариш турини кўпайтиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, тез кунларда бу ерда совун, озиқ-овқат цехлари ишга туширилади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 21 июлда бошқа вақоат операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарини сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1199,47
1 Англия фунт стерлинги	2439,56
1 Дания кронаси	282,99
1 БАА дирҳами	405,07
1 АКШ доллари	1487,81
1 Миср фунти	266,82
1 Исландия кронаси	11,72
1 Канада доллари	1344,73
1 Ҳаной юани	217,78
1 Малайзия ринггити	418,75
1 Польша злотийси	486,18
1 СДР	2310,21
1 Туркия лираси	975,49
1 Швейцария франки	1385,56
1 ЕВРО	2107,19
1 Жанубий Корея вон	117,89
1 Япония иенаси	151,14
1 Россия рубли	46,81
1 Украина гривнаси	194,73

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Жаҳон андозалари асосида



(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда уларни имтиёзли кредит ресурслари билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Чунки ақсарият корхоналар ўзларининг барқарор молиявий ҳолатларини таъминлашга кўшимча маблағларга эҳтиёж сезади. Шу боис Инкироза қарши чоралар дастурида экспорт қилувчи корхоналар айланма маблағларини тўлдирши учун 12 ой муддатда 9,8 фоизли имтиёзли кредитлар бериш, банк кредитлари бўйича муддати ўтган ва жорий қаралар миқдори таркибининг қайта кўриб чиқиш, улар бўйича мавжуд пеня ва жаримларни ҳисобдан ўчириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Тижорат банклари устав капиталларини кўпайтириш мақсадида ажратилиш кўзда тутилган 491 миллиард сўм миқдоридagi маблағ экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиршига ҳамда уларни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ҳамда янги қурилиш лойиҳаларини инвестицион кредитлашга йўналтирилди.

Иқтисодийта солиқларнинг тартибга солиниши ва рағбатлантирувчи роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, экспортта маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, мавжуд кредиторлик қарзларининг қайта кўриб чиқиши, зарур ҳолларда уларнинг тўлов муддати кечиктирилиши, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларнинг ҳисобдан чиқарилиши, ҳоржон инвестицияси иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзлари муди-

датининг 2012 йилга қадар узайтирилиши ва бошқа тадбирлар инкироз шартинда мамлакатимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга энгилликлар ва қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Иқтисодий инкироз айна пайтда ялли талаб ва ялли тақдир ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини ҳам келтириб чиқаради. Одатда, ташқи

ҳажмининг ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш каби мақсадлар ўз ифодасини топган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариши лойиҳалари ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Агар 2004 йил-

дан 201 маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 135 корхона иштирок этган бўлса, 2008 йилга келиб, бундай лойиҳалар сони 305 тага, уларда иштирок этган корхоналар сони эса 164 тага етди. Жорий йилда ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажми сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2008 йилда нисбатан амалга оширилган лойиҳалар сонини 1042 тага (3,5 баравар), уларда иштирок этган корхоналар сонини 364 тага (2,2 баравар), маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,3 триллион сўмга (1,9 баравар) етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида маҳаллийлаштирилган маҳсулотнинг ялли саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 18,4 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликлар муҳим аҳамият касб этаётди. Президентимизнинг 2008 йил 28 январда қабул қилинган қарорига кўра, бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, саноат корхоналарининг техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланиши туфайли уларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулотлар сифати тобора яхшиланаётди.

Жараён

Жумладан, Қувасой шаҳридаги "Ўзбегим" агроасаноат компаниясида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, модернизациялаш ишлари олиб боришмоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бу ерда қўшимча равишда соатига 10 тонна мева ва сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга қурилма ишга туширилди. Айниқса, корхонада қуялтирилган олма ва ўрик шарбатининг асептик қолларга қадоқланаётгани истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Чунки бундай шарбатлар узоқ вақтгача ўз сифатини йўқотмайди ва экспорт учун жуда қулай.

Компанияда бир йилда 27 миң тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни қайта ишлаш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: компания ишчиси Фахриддин Алижонов.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, хусусан, саноат корхоналарининг техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланиши туфайли уларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулотлар сифати тобора яхшиланаётди.

Жараён

Жумладан, Қувасой шаҳридаги "Ўзбегим" агроасаноат компаниясида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, модернизациялаш ишлари олиб боришмоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бу ерда қўшимча равишда соатига 10 тонна мева ва сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга қурилма ишга туширилди. Айниқса, корхонада қуялтирилган олма ва ўрик шарбатининг асептик қолларга қадоқланаётгани истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Чунки бундай шарбатлар узоқ вақтгача ўз сифатини йўқотмайди ва экспорт учун жуда қулай.

Компанияда бир йилда 27 миң тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни қайта ишлаш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: компания ишчиси Фахриддин Алижонов.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ҚАДРИ БАЛАНДА, ИСТИҚБОЛИ НУРАФШОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзимдан қиёс. Қачонлардир мендек оддий бир қишлоқ аёлининг каттақон ерга соҳиблик қилиб, фермер деган номга эга бўлишини ким ҳаёлига келтирарди дейсиз? Ҳеч ким. Лекин бугун буларнинг барчаси ҳақиқат. Юртбошимизнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва фоллигини оширишга қаратаётган эътиборлари бизни руҳлантирди, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Уч йилдирки, фермерман. 70 гектар ерим бор. Мана шу ўтган вақт мобайнида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Манфаатдорлик нима эканлигини ҳис қилдим. Дунёқарашим ўзгарди. Турмушимиз яхшиланди, уй қурдик, машина олдик. Фарзандларимиз бугун нуфузли таълим муассасаларида ўқияпти. Бундан ортиқ бахт борми бизга!

Президентимиз ақинда вилоятимизга сафарлари чоғида биз, фермерлар билан учрашиб, аёлларнинг жамиятдаги, фарзанд тарбиясидаги ўрни хусусида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Эътибор беринг-а, давлатимиз раҳбари далага келиб, ер эгалари билан фақат пахта ёки галла ҳақида эмас, аввало, ҳаёт ҳақида, одамларнинг турмуш тарзи, оиласи, эртанги кун ҳақида суҳбатлашдилар. Бундан мен жуда каттиқ таъсирландим. Шу эмасми, инсоннинг қадр-қиммати улугланаётгани, эъзозланаётгани?

Сафар давомидаги суҳбатлар чоғида аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларга ўз имкониятларини эркин намоиш этиш учун барча шароитларни яратиб бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак, арзийди,

— дейди фермер. — Улар учун нафақат шаҳарларда, балки чекка ҳудудларда ҳам замонавий таълим даргоҳлари қуриб берилапти. Ўшларимизнинг билими, дунёқарашини ҳам ижобий томонга ўзгартириб борапти. Компьютерда, Интернетда ишлашни билади. Юртбошимизнинг айтиш шулари ҳақида сўз юритиб, ёшларни маъна, руҳан чекламаслик керак, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш лозим, деган фикрлари барчамизни жиддий мушоҳадага ундади. Бу гаплар доимо ёдимизда бўлади.

Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, жорий йил «Отабой сулоласи Отабек» фермер ҳўжалиги аъзолари учун ҳам баракали келди. Бугдойнинг маҳаллий иқлим шароитига мос «Бобур» нави киргач 62 гектар майдондан ўртача 82 центнердан ҳосил олинди. 22 тонна дон ишчиларга қолди.

— Албатта, бу натижаларга ўз-ўзиндан эришяётганимиз йўқ, — дея изоҳлайди Маъмураҳон Турғунова. — Далада меҳнат қилиш учун зарур бўлган барча қулайликлар яратиб берилаётгани, жумладан, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилги-мойлаш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш тизими йўлга қўйилган муваффақиятларимиз гарови бўлиб хизмат қилаётди. Президентимиз доимо фермерларнинг аҳоли билан қизиқдилар, уларни қўллаб-қувватлашди. Шундай суҳбатлар билан бор экан, биз, ер эгалари бундан кейин ҳам бўш келмаймиш ва юртимиз раванки учун ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Ш. ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шундай мураккаб шароитда "Қишлоқхўжаликким" вилоят ҳудудий акциядорлик жамияти, Ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят маркази ва уларнинг туманлардаги шўъба корхоналари, ихтисослаштирилган маҳсулот ордарида жомимизга оро кирди. Уларнинг кўмаги билан галла

ЯНГИ НАВЛАР БАРАКАСИ

касаликлар ва зараркундаларига қарши курашиш оммавий ҳаракатга айлантириб юборилди.

Бизнинг фермер ҳўжалигимиз галларнинг эртапишар, касаликларга чидамли, истиқболли навларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Жорий йилда Сугорилди-ган ерларда галла ва дуққакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг вилоят филиали билан ҳамкорликда 52 гектар майдонга бугдойнинг "Анджон-2", "Қрошқа" навлари уруғини эккан эдик. Янги навлар бу йилги шароитда касаллик ва зараркундалар хуружига чидамлилигини кўрсатди. Ҳўжалигимизда ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан ошди. Биз бу таҳрибимизни келгуси йилда янада мустақамлаб, мўл ҳосилга пўхта замин яратамиз.

Рустамжон СЎПИЕВ,
Оптириқ туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари.

касаликлар ва зараркундаларига қарши курашиш оммавий ҳаракатга айлантириб юборилди.

Бизнинг фермер ҳўжалигимиз галларнинг эртапишар, касаликларга чидамли, истиқболли навларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Жорий йилда Сугорилди-ган ерларда галла ва дуққакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг вилоят филиали билан ҳамкорликда 52 гектар майдонга бугдойнинг "Анджон-2", "Қрошқа" навлари уруғини эккан эдик. Янги навлар бу йилги шароитда касаллик ва зараркундалар хуружига чидамлилигини кўрсатди. Ҳўжалигимизда ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан ошди. Биз бу таҳрибимизни келгуси йилда янада мустақамлаб, мўл ҳосилга пўхта замин яратамиз.

Рустамжон СЎПИЕВ,
Оптириқ туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари.

ақратилиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тавсия этилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириши рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, тижорат банкларига Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида юқори бўлмаган фойз ставкасида ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришда зарур бўладиган технология ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, улгуржи савдо корхоналарига мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилардан озиқ-овқат товарларини харид қилиш учун маҳсул кредит линияларини очиб тавсия этилган.

Бундай қулай шарт-шароит ва имтиёзларнинг яратилиши мамлакатимиз ҳудудларига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади. 2008 йили юртимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7436,5 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 117,7 фойз кўпроқ.

Мустақар айтганда, мамлакатимизда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш иқтисодий-иқтисодий тараққиётни қўллагани ҳамда барқарор ўсиш сурияларини таъминлашининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг Ўзбекистонга таъсири оқибатларини юмшатиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари қўллаб-қувватланаётгани ҳамда жадал ривожлантирилаётгани иқтисодий салоҳиятимизни мустақамлаш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўбайдулла ҒАФУРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.
(ЎЗА).

ЖАҲОН 24 соат ичида Жазирамада қор ёғди

Европанинг бир қатор мамлакатларида ёз фаслига хос бўлмаган об-ҳаво ҳужуми сурмоқда. Гап шундаки, минтақанинг аксарият ҳудудидида кучли шамол ва бўрон кузатилади...

Жиноятчиларга қарши амалиёт

Мексиканинг Мичоакан штатида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдаларга қарши кенг қамровли ҳарбий амалиёт бошланди. Бунинг учун мамлакат куролли кучларининг беш минг нафардан ортиқ аскари жалб қилинган...

Айбига иқроқ бўлди

2008 йилнинг ноябрь ойида Ҳиндистоннинг Мумбаи шаҳрида амалга оширилган йирик қўпуровчилик ҳаракатида иштирок этган ва тирик қолган ягона босқинчи — Ажмал Амир Касаб судда ўз айбига иқроқ бўлган.



ноятчидан бири Амир Касаб шу пайтгача ҳеч нарсани тан олмай келаётганда.

Яна икки кишида вирус

Россияда А/Н1Н1 вирусини юқтирган беморлар сони тўққиз кишига етган. Мамлакат санитария бош шифокори берган маълумотга кўра, мазкур хасталик билан боғлиқ охириги икки ҳолат 16 ёшли ўсмир ва 22 ёшли қизда аниқланган.

Ўн уч йилдан сўнг «тирилик»

Хитойнинг Пекин шаҳрида ашовчи фуқаро ўн уч йил давом этган клиник ўлим ҳолатидан сўнг яна ўзига келган, дейилади «China Daily» нашрида. Бемор хушини йиғиб олган, хотинининг исмини бехато айтган. Унинг бундай оғир аҳолига тўшиб қолганга газдан захарлангани сабаб бўлган экан.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



— Илгарилари Андижон шаҳри ҳақида гап кетгудай бўлса, қоқ марказида "Оқ уй" деб аталмиш бир қаватдангина иборат бино билан боғ ичидаги афсонавий "Семурғ"нинг рамзий ҳайкали кўз олдимизга келарди...

Андижон шаҳри Боғи Бобурдан бошланиб, соҳилларга тўш уриб оқувчи Қорадарёга туташади. У кун сайин яшариб, кўркамлашиб, нуфузи ва салоҳияти тобора ортиб бораётир.

СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР

одамлар билан гавжум чойхонаю оромгоҳлари, тўкин-сочинлик, маъмурилик касб этган бозорлари билан улардан устунлик қилади. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол ша-рофатидан. Ўз тақдирини Ватан тақдирини билан боғлаган, мустақилликни нондай азиз билган ҳар бир андижонликнинг ғайрат-шижоатидан.

Жаҳон кезиб, ҳеч бир юртини Андижонга, она-Ўзбекистонимизга ўхшата олмаган Муҳаммадҷон ака бизни яна бир янгилик билан суянчилди: Ўзи истиқомат қилаётган Навоий шўжўҳасидаги уйининг ёзин бебаз турган ям-яшил арчалари, чўғдай товлангучи гулларга бурканган майдонлари, ҳаммаша

дижонтранстаъмирқурилиш" савдо ишлаб чиқариш корхонаси "Бахт уйи"ни ёшлар ихтиёрига топширди. Куни кеча фойдаланишга топширилган "Ўз Анталия" мажмуа-

СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР

носи барпо этилган, яна ўнлаб иншоотларга ўз эшикларини очганди. Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйига ҳам қизғин тайёргарлик қўриллаётир. Хусусан, "Алоқабанк"нинг вилоят филиали "Нитрон" заводини қурилиши тугалланмаган маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини тураржойга айлантириш учун уларни қайта реконструкция қилишни ўз зиммасига олди.

Бири иккинчисидан кўркам, обод ва шинам иншоотларнинг фойдаланиш учун топширилиш маросимини Ватанимиз мустақиллигининг муборак тўйи тантаналарига ула-ниб кетади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАЙРЛИ КЎМАК

Жумладан, жамғарма юртимиздаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар бемор болаларининг хориждаги нуфузли шифоналарда даволанишларида амалий ёрдам кўрсатаётир. Қисқа давр оралиғида йи-гирма нафар бемор бола юборилган болаларнинг да-воланишлари учун сарфлана-диган барча харажатлар ма-зкур мамлакатнинг "Junior Chmber International" ("JCI Korea") ташкилоти томонидан қолланади.

ЛОК KOLOR SINTEZ

Advertisement for LOK KOLOR SINTEZ paint. Includes text: Қўшма корхонаси, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛОК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН! Рангли эмаль кенг ассортименти учун НАРХЛАР ТУШДИ! МАВСУМ ЯНГИЛИГИ, Замонавий ранг тенденциясида фасад безатиш учун ОЛТИН ОХРА "БИНОФАС" БЎЁҒИ ва ушбу гамманинг барча ранг турлари. Маҳсулотларимизни корхонамизнинг куйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нарҳида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ўтган йили Жомбой туманида 41 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, 10,5 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот эса экспорт қилинган эди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Эришилаётган ютуқларнинг сабабларидан бири, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганда. 2009 йил биринчи чорагининг ўзида 30 та шундай корхона фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 1794 тага етди. Натижада кичик бизнеснинг туман саноатидаги салмоғи ошди. Тумандаги йирик саноат корхоналаридан бири — "Жомбой дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятида жорий йил биринчи чорагида бугудойан ун олиш миқдорини 0,3 фоизга оширишга эришилиши натижасида 85 тонна қўшимча ун маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Тегиримон це-хидида ўтган йилдан бошлаб биринчи навли бойитилган витаминли ун маҳсулоти тай-ёрланаётгани ҳам аҳамиятли-дир. Корхонанинг 1977 йилда қурилган омикта ем цеҳи тех-ник жиҳатдан анча эскирган эди. Шу боис жамият маъ-мурияти мазкур цеҳни модер-низациялашга қарор қилди. Бунинг учун "Жомбой дон маҳсулотлари" Украинанинг "ОО СП Прантех" ҳамда ОАО "Харол механик" заводлари-дан 288 минг АҚШ доллари миқдоридида замонавий ус-қуналар сотиб олди. Цеҳни модернизация қилиш сифатли ва арзон омикта ем ишлаб чиқариш, вилоят ички бозорини маҳал-лий хом ашёдан тайёрланган импорт ўрнини босувчи маҳ-сулот билан таъминлаш им-кониятини яратди. Шу бил-ан бирга, корхона иқтисо-дий самарадорлигининг оши-шига йўл очди. "Амин инвест интер-нейшнл" Ўзбекистон — Рос-сия — Англия қўшма корхо-насида тайёрланаётган маҳ-сулотларнинг 87 фоизи Рос-сия ва Украина мамлакатла-рига экспорт қилинапти. Ишлаб чиқарилаётган турли хил куйлақлар, спорт кийим-лари, ички кийимлар каби

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ. БАНК БОШ ОФИСИГА ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА МУҲАНДИС-ҚУРУВЧИ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. Номзодларга қўйиладиган талаблар: олий маълумотга эга бўлиши; Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши; ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.

ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST» НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ПРЕДЛАГАЕТ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. Производит монтажно-укладочные работы.

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner. Tel. 250-11-11

«ELEKTRON XISOBLAGICH» МЧЖ ҚҚ. ЗАВОД НАРХЛАРИДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЧУН КЎЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ, ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ: «DDS28», «DDS28U» русумли бир фазали электрон электр қуввати ҳисоблагичлари; «DTS541/DSS531», «DTS543/DSS533», «DTS546/DSS536» русумли уч фазали электр электр қуввати ҳисоблагичлари; 200/5, 400/5, 600/5, 800/5, 1000/5 номиналли ток трансформаторлари.



ҚИШЛОҚДАГИ МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

аҳоли саломатлигини муҳофазатида беқиёсдир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, шаҳар ва туман марказлари билан бир қаторда, чекка қишлоқ ва овулларда замонавий шифо масканлари, қишлоқ врачлик пунктларининг барпо этилиши юрдошларимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилмоқда.

— Бугунги кунда биз, тиббиёт ходимларининг зиммасидаги вазифа нафақат касалликларни ўз вақтида аниқлаб, беморларга ёрдам кўрсатиш, балки турли тадбирлар орқали аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришдан ҳам иборатдир, — дейди Қизилтепа туманидаги «Бўстон» қишлоқ врачлик пункти мудири Гулмира Ҳамроева. — Фаолиятимизни шу мезон асосида йўлга қўйганмиз. Натижада аҳоли ўртасида касалликлар камайишига эришилмоқда, шунингдек, ҳомиладар аёлларда учрайдиган хасталикларнинг олди олинапти.

Ислохот

Дарвоқе, қишлоқ врачлик пунктларида иш олиб бораётган тиббиёт мутахассисларининг малакасини ошириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаганди. Шу мақсадда Бўхоро давлат тиббиёт институтининг акушерлик ҳамда травматология кафедралари олимлари тумандаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида ўз маслаҳатларини бериб келишмоқда. — Туманимизда 33 та қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда, — дейди Қизилтепа тумани марказий шифохонаси бош шифокори Эркин Уринов. — Ўтган даврда улар «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида жиҳозланди. Врачлик пунктлари замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда 66,2 минг АҚШ доллари миқдо-

ридаги тиббий лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Яқинда эса туман тиббиёт бирлашмаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида шифо масканларига Япония гранти асосида келтирилган 70 минг АҚШ доллари миқдоридagi тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Шунингдек, аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида ҳомий ташкилотлар ва саховатпеша инсонлар ҳам хайрли ташаббуслар билан чиқишмоқда. Жумладан, ҳомийлар маблағи ҳисобидан Тошработ қишлоқ доялик мажмуасида туғуруқхона бўлими ҳамда Адизобод қишлоғида ички касалликларни аниқлаш ва даволашга ихтисослашган тиббий пункт бунёд этилди. Марказий шифохонанинг бўлалар реанимацияси бўлими ёнида эса қўшимча бино қурилди. Бундан ташқари, туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирланиб, тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Жорий йил якунига қадар бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши, шубҳасиз, Зеро, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисига янада сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишга эришиш мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватанни тараннум этувчи кўшиқ қалбимизда юртга муҳаббат, садоқат, уни асраб-авайлаш ва ардоқлашга иштиёқ туйғуларини янада жўш урдириб юборади. Шу боис, истиқлол йилларида бу мавзуда кўшиқлар яратишни кўллаб-қувватлаш, Ватан мадҳини куйу кўшиққа солиб, элга тақдим этаётган иждоқорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

Юртбошимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ҳам ана шундай хайрли мақсадларни кўзда tutади. Жумладан, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбига она-Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром, миллий истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини қарор топтиришда мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти беқиёс. Шу кунларда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, турли вазирилик ва идоралар, ижодий жамоалардаги босқичи ниҳоятга етмоқда. Мазкур ижодий бешлашувларда ижро этилган куй-кўшиқларда Ватан туйғуси, унинг буюклиги, муқаддаслиги, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар тараннум этилапти.

— «Ўзбекнаво» астрада бирлашмаси тизимида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи якунланди, — дейди кўрик-танлов ташкилий қўмитаси раиси А. Ҳайдаров. — Натижада эллик нафардан зиёд истеъдодли хонандалар сараланиб, беллашувнинг республика босқичига йўлланма олдилар. Улар орасида таниқли, юксак маҳоратга эга профессионал ижрокорлар билан бир қаторда, ёш истеъдод эгалари ҳам бор. Эътиборли жиҳати, санъат йўлини танлаган бундай ёшларимиз танлов учун кўшиқлар яратишда маҳоратли иждоқорлар, истеъдодли санъат арбоблари билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари асосида юксак савияда ижро намуналарини яратишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, танлов муносабати билан Ватан

мавзусида мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак янги шеър ва газаллар ҳамда куй ва наволар ҳам яратилди.

Дарвоқе, Президентимизнинг қарорига «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танлови билан боғлиқ барча тадбирлар, ху-

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

сусан, кўрикнинг саралаш босқичларини юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида моҳир санъаткорлар, шоир, бастакор ҳамда тажрибали режиссёрларни мамлакатимиз вилоятларида ижодий сафарга юбориш назарда тутилган эди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш асосида юртимизнинг энг олис ҳудудларидаги истеъдодларни аниқлаш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини кенг миқёсда намойён этиш, энг муҳими, устоз-шоғирдлик анъанаси бардавомли-

гини сақлашга эришилмоқда. Танловнинг юксак савияда ташкил этилган ҳудудий босқичлари беллашувлари ана шу савийа-характерли самараси билан боғлиқ. Хусусан, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тадбирнинг Тошкент шаҳар босқичи-

рафлайдиган кадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби фазилатлар нечоғли юксак савияда ифода этилганига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи болиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Матқаримов. — Бу мезон сара кўшиқларнинг яратилиши учун асос бўлди. Хонандалар шоирлар, бастакорлар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Шунга амин бўлдимки, мамлакатимизда иқтидорли, истеъдодли ёшлар ҳар томонлама кўллаб-қувватланиб, уларнинг ижодий иланишига кенг йўл очиб берилапти.

Яқинда мамлакатимиз олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган талаба-ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахт босқичларида сараланган турт юзга яқин йигит-қиз иштирок этди. Шунингдек, танловнинг халқ таълими тизими ҳамда Мудофаа вазирлиги қўшиларида ўтказилган республика босқичи беллашувлари ҳам кўллаб истеъдод эгалари номини аниқлаб берди. Аини кунда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ҳам танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ниҳоятга етмоқда.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирладилар.

«Олтин Гран-при»нинг олтин медаллари


Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган «Олтин Гран-при» мусобақасининг учинчи — финал босқичида эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси полвонлари иккита олтин, биттадан кумуш ва бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида мезобонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Юнон-рум кураши бўйича терма жамоасини аъзолари эса биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Маълумки, бугунги кунда Халқаро спорт курашлари федерацияси (FILA)га дунёдаги 150 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган. «Олтин Гран-при» турнири эса аъзо давлатларнинг учтасидангина уюштирилади. Яъни, Ўзбекистон, Озарбойжон ва Италия. Албатта, бундай нуфузли турнирнинг айнан ушбу мамлакатларда

ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор. Ўзбекистон, Озарбойжон ва Италия мамлакатлари полвонлари халқаро турнирларда доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади. Мусобақаларни юқори савияда ташкиллаштириш борасида ҳам етарлича тажриба тўпланган.

Таъкидлаш лозимки, «Олтин Гран-при» мусобақасида энг сараланган полвонларга катнашади. Шу сабаб «Кичик жаҳон чемпионати» деб таърифланадиган турнирда иштирок этиш учун бахслар доимо қизгин давом этади.

Боку гиламларида эркин курашчиларимиздан Сослан Тигиев (74 кг.) ва Қурбон Қурбонов (96 кг.) барча рақибларини енгиб, олтин медаллар соҳиби бўлишди. Заурбек Соҳиев (84 кг.) ку-



муш, Дилшод Мансуров (60 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши бўйича мусобақаларда ҳамюртимиз Жаҳонғар Мўминов (74 кг.) муваффақиятли иштирок этди. У финалгача барча беллашувларда галабага эришди. Фақат якуний бахсда мезбонлар вакили Рафиг Гусейновга (1:0, 1:0) имкониятини бой бериб, кумуш медал билан қифояланишга мажбур бўлди. Яна бир полвинимиз Элдор Ҳафизов (55 кг.) эса бронза медалини қўлга киритди. Эркин ва юнон рум кура-

ши ишқибозлари учун яна бир янгилик. Ўзбекистон 2011 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати мезбонлигига асосий даъвогарлардан саналади. Айнан шу чемпионатда 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб борилади. Жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда мезмон бўлган FILA президенти Рафаэль Мартинетти жаҳон чемпионатини қабул қилиш учун Ўзбекистоннинг имконияти юқори эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Таэквондочиларимиз муваффақияти

Жанубий Кореянинг Мочу шаҳрида таэквондочиларимизнинг Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган WTF йўналиши бўйича «III Бутунжаҳон Мочу — Экспо» фестивали бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақада дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан келган 1200 нафар спортчи ўзаро куч синашди. Турнирда Ўзбекистонлик ёш таэквондочилар муваффақиятли иштирок этишиб, Ватанимизга учта олтин, иккита кумуш ва олти бронза медали билан қайтишди. Улар орасида, Меҳрож Жабборов, Тигран Алексян ва Абдор Солиқонов сингари спортчиларимиз олтин медалларга сазовор бўлишди.

Тошкентда халқаро турнир

Пойтахтимизда шахмат бўйича Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган йирик халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

Спортнинг «ақл гимнастикаси» деб эътироф этиладиган мазкур турнир янада омалаштириш, ёш истеъдод соҳибларини излаб топish мақсадида ўтказилаётган мусобақада мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Россия, Қозғистон ва Тожикистондан келган жами 100 нафар шахматчи иштирок этмоқда. Улар орасида ҳаваскор шахматчилардан тортиб, номдор гроссмейстерларгача бор.



Хозиргача ўтказилган учинчи тур учрашувларидан кейин Марат Жумаев, Нафиса Мўминова, Иброҳим Каримов, Рашид Рустамов (Ўзбекистон) ва Соҳиб Жўраев (Тожикистон) етакчилик қилишмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Испанияда ўқув-йиғин машғулотларини олиб бораётган футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) иккинчи ўртоқлик учрашувида ҳам галаба қозонди.



Бу сафар футболчиларимиз маҳаллий «Переллада» жамоасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида зафар кучишди. Уйин

ИСПАНИЯДАГИ ИККИНЧИ ҒАЛАБА

пайтида ҳисобда орқада қолаётган Аҳмад Убайдуллаев шоғирдлари дастлаб Фозил Мусаевнинг голи эвазига мувозанатни тиклашди. Учрашув якунланишига ўн дақиқа қолганда эса, «Пахтакор» ҳужумчиси Санъат Шихов галаба тўпини киритди.

Маълумки, ҳар иккала футболчи «Селест Барселона» клубига барчи кечган

дастлабки ўйинда ҳам биттадан гол уришга муваффақ бўлишганди. Мазкур беллашувда вакилларимиз 4:1 ҳисобидаги йирик галабани қўлга киритишганди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Испания йиғинидаги учинчи нозорат учрашувини «Баньелес» жамоасига қарши ўтказди.

ОБ-ҲАВО

(21 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Бўхоро ва Наманган вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кузатилмайди. Тунда 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Ҳамиджон Шамшиевга отаси ҚАЛАНДАР отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Турон» театр-студияси бадиий раҳбари Раҳман ЕРИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор этади.

«Шарк» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания бош директори Омонулло Юнусовга волидан мухтарамаси НАФИСА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Бандлик

КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

Сирдарё вилоятида касб-хунар коллежлари битирувчилари ўз иш ўринларига эга бўлдилар.

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси маълумоти-га кўра, 9453 нафар битирувчининг 7505 нафари билан иш беришчилар ўртасида шартнома тузиб бўлинган. Бу борада ўқувчилар ўқиш жараёнида корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаганликлари ва ўз салоҳиятларини намойён эта олганликлари қўл келди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

Сурхондарё вилоятида жорий йилда икки ярим миллион тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бунинг натижасида вилоят ўрмонзори 426 гектарга кенгайди. Шунингдек, дарё ва каналларнинг қирғоқбўйи ҳудудларида 600 гектарлик дарахтзорлар барпо этилди.

ЗАМИН УЗРА БИТИЛГАН ДАСТХАТ

Дарахт инсоннинг она-замин узра битган ажиб дастхатидир. Инсоният шунинг учун ҳам ўзининг дарахти, бог-роғи, ўрмон — бўстони бўлишига интилиб яшайди. Бу интилиш йўлида хайратомуз янгиликларни кашф қилади. Ана шундай инсонлардан бири — жарқургонлик Баҳром исмли йигит. Унинг богбонлиги антика — тўрт хил пальма дарахтининг кўчатларини етиштиради. Бу осон иш эмас, албатта. Негаки, пальмани кўчат бўлгунга қадар 5-6 йил авайлаб парварилаш, ҳар бир куннинг ҳароратига қараб ишлов бериб туриш керак. Аини пайтда Баҳром бундай ишнинг уддасидан чиқаяпти.

Қумқўрғон туманидаги «Истиқлол» маҳалласида истикомат қиладиган Эргаш Тўхтаев эса олти сотиҳча жойда лимон ўстиради. Лимонзорининг чор-атрофини паҳса девор билан ўраб, қиш фаслида томини плёнка билан ёпади. Дехқончиликнинг ҳаво ҳароратини мўтадил сақлайдиган усулларини қўллайди. Натижада бу йил мана шу бир энлиқкина майдондан эс эмас, қўл эмас, нақ 15 тонна ҳосил олди.

Бугун «Истиқлол»нинг икки юзга яқин хонадонларида 25-30 гектар атрофида лимонзор мавжуд. Томорқачи богбонлар билан сўхбатлашиб қолсангиз, улар да-

Дарҳақиқат, юртимизда богбонлик катта имкониятлар майдонига, илм ва иждоқорлик мактабига айланиб бормоқда. Сурхон қишлоғилик Бадалхон Бўриев, мисалан, Жанубий Америкада етиштирилаётган ва мойи минг даража совуқда ҳам музламайдиган хохоба дарахтининг ўстиради.

Олтинсойлик Жовли Хайитов воҳода биринчилардан бўлиб томорқачидаги зайтунзордан ҳосил олди. Эндиликда ҳаваскор богбонлар нуфузли илмий жамоалар бу хайрли ишни кўллаб-қувватлашга ошиқмоқда. — Зайтуннинг ватани Ўрта ер денгизи минтақаси ҳисобланади, —

ромаду буромадани эмас, кечаргина қақраб ётган бўз ерлар бугун мана шундай боғу бўстонларга айланаётганини ўзгача завқ билан гапириб берадилар.

Табиат ва биз

Олтинсойлик Жовли Хайитов воҳода биринчилардан бўлиб томорқачидаги зайтунзордан ҳосил олди. Эндиликда ҳаваскор богбонлар нуфузли илмий жамоалар бу хайрли ишни кўллаб-қувватлашга ошиқмоқда. — Зайтуннинг ватани Ўрта ер денгизи минтақаси ҳисобланади, —

дейди биология фанлари доктори, профессор Ҳасан Бўриев. — У жиҳадилар оиласига мансуб бўлиб, табиати ва агротехникаси нозик дарахт. Биз аини пайтда зайтуннинг совуққа ва жазирама иссиққа бардошлилигини ошириш, шароитимизга мослаштириш мақсадида тажриба сифатида жийда дарахтига пайванд қилиб, ҳосилдор навларини яратиш устида ишлаяпмиз. Деновий дендрарий боғи жамоаси эса пикан ёнғоғи дарахтининг ўстирапти. Шу дарахтининг бир тупи 100 килограммгача ҳосил беради. Ёнғоғининг мойи зайтун ёғидек шифобахш. Энг сифатли мебель ҳам айнан пикан дарахти ёғочидан ясалди. Бир қарашда, биз дарахтларни фақат ашилик олами, ўрмонларни эса табиат мувозанатини сақлаб туришчи омил, деб биламиз. Аммо дарахтларга меҳр берилса, яқин парвариланса, у яқингина даромад манбаи ҳисобланади. Зеро, бунга мисоллар бисёр.

Олимжон УСАНОВ.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. —Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов. Навбатчи — Ф. Абдулов. Мусавҳахчи — Ш. Машраббеов.

«Шарк» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 7 9